Ушбу сонда:
2 БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ФАРЗАНДЛАР УЧУН
3 РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА
4 ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 14 декабр, чоршанба № 199 (2040)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## БИР КОРХОНА АЁЛЛАРИ

Кармана туманида иш бошлаган «Навоий-SILK» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари-Сингапур қўшма корхонасида қисқа муддатда юз тоннага яқин пилла қайта ишланди.

Дастлабки 2,5 тоңна ипак калава Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинди. Йил охиригача яна 25 тонна пилла қайта ишланиб, хорижлик харидорларга 7,5 тонна маҳсулот жўнатиш кўзда тутилмоқда.

Жамоа келгуси йилда корхона қувватидан тўла фойдаланиш ва 750 тонна пиллани қайта ишлашни режалаштирган. Шунда бу ерда ишловчилар сони икки баравар кўпаяди.

**Суратда: ишчилар Нозима Бойхонова, Муҳаббат Тоирова, Озода Тожиева ва Амина Раҳматова.**

**С.ЗУФАРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**



*Ислоҳот инсон учун*

# ОҚ ХАЛАТЛИЛАР
## олис овулларда

***Бутун мамлакатда бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам улкан янгиланишлар амалга оширилаяпти. Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ижросига аҳамият берилаяпти. Хўжайлидаги I Меҳрибонлик уйида кенг кўламли реконструкциялаш юмушлари олиб борилди.***

Бу ерда 150 дан ортиқ ўғил-қиз таълим олаяпти. Болаларнинг ўқиши, ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Қулай синф хоналари, кутубхона, ошхона, тиббий бўлим, маънавият ва маърифат, кийим тикиш, рақс, расм, мусиқа хоналари, спорт зали, стадион, теннис корти ишлаб турибди.



Иқтисодиётда агросаноат мажмуи муҳим ўринни эгаллайди. Давлатга 23 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" етказиб берган дала меҳнаткашлари ҳозирги кунларда бўлғуси ҳосилга пухта замин яратишаяпти.

— Иш бошқа, ҳавас бошқа, - дейди "Тапура момо" деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Анор Оқназарова. — Мулкка эгалик қилганингдан сўнг қараб турсанг ҳеч ким осмондан чалпак ёғдирмайди. Ерни эъзозласанг, бағрини очади. Ана шундагина мўл-кўлчилик яратилади.

Мутахассислиги бўйича иқтисодчи Анорхон ишчан, бир сўзли, қатъиятли аёл. Бир неча йиллардан бери деҳқончилик билан шуғулланиб, кам бўлгани йўқ. 30 гектар пахта, 10 гектар буғдойдан юқори ҳосил етиштирди. Кредит ҳисобига "Т-28", "ТТЗ-80", "Олтой" тракторлари сотиб олди. Тажрибали механизаторлар Пароғат Избосдиев, Мурод Назарбоев, ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар Аҳмед Аҳмедов, Омон Қурбоннизовлар фермернинг қанотлари, унинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишади.

Анорхон тўрт фарзанднинг онаси, оила бекаси. Катта ўғли Бойназар онаси изидан бориб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети иқтисод факультетида ўқиётган бўлса, яна бир фарзанди Олланазар Нукус транспорт коллежида таълим олмоқда. Қизлари Насиба ва Шаҳноза онасининг энг яқин ёрдамчиси.

Бугунги кунда 1234 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, унинг 1107 таси кичик бизнес тармоқлари ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўзида 120 дан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар тузилиб, 210 та янги иш ўринлари очилди.

Жумамурот Теремуротов республикада биринчи бўлиб "Азамат Куюн" кўп тармоқли хусусий фирмасини ташкил этган эди. Ҳозирги пайтда фирманинг хусусий поликлиникаси аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. "Олтин мерос" жамғармасининг фаолларидан бири Ж.Теремуратов иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, якка-ёлғиз қарияларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаяпти.

"Сари шунгил" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги Озод Султонмуродов раҳбарлик қилаётган "Хонжотган" фермер хўжалигининг ташкил топганига ўн йил тўлди. 45 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган овул зироатчилари чорвачиликни ҳам йўлга қўйишган. 60 бош қорамол, 100 бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Истеъмолчиларга 10 тонна сут, 2 тонна гўшт етказиб берилди. 10 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди.

Хўжайли орқали ўтадиган йўллар Оролбўйи пойтахти билан боғлайди. Қўшни Қозоғистон ва Россия давлатларига олиб боради. Пўлат Жуманазаров раис бўлган "Хўжайли автотранспорт корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Тумандаги фермер хўжаликлари ва "Иликгаз" Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси билан шартнома тузилган. Турли хилдаги халқ хўжалик юкларини вақтида манзилларга етказиб беришда жамоанинг хизмати беқиёс.

"Хўжайли толаси" акциядорлик жамияти республика пахта саноати корхоналари ўртасида ғолибликни қўлдан бермай келаяпти. Йилига 40 минг тонна пахтани қайта ишлашга ихтисослашган заводда ишлаб чиқарилаётган сифатли тола ўндан ортиқ хорижий давлатларга жўнатилаяпти. Тажрибали саноат ходими Файзулла Саъдуллаев бошчилик қилаётган аҳил ва иноқ жамоада муҳандис Жумабой Дўстжонов, механик Мурод Давлетов, чилангар Набий Хушмаганбетов, Холмурод Хўжаниёзов, Имаш Тажиддинов сингари фидойилар меҳнати билан иш унумдорлиги ошиб бораяпти.

Ҳудудда истиқомат қилувчи туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва қарияларнинг тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминланди. 212 нафар малакали шифокорнинг қарийб ярми олий тоифали. Исми-жисмига монанд хушмуомалали, ширин сўз ҳаким Ширин Юсупова бошчилик қилаётган шифокорлар жамоаси ҳамиша хизматга ҳозиру-нозир. "Тез ёрдам" бўлими ходимлари олис овулларга ҳам етиб бориб, беморларни дарддан фориғ этишади. Марказий шифохонадан ташқари 3 та поликлиника, 12 та овул врачлик маскани, 3 та фельдшер-акушерлик пункти фаолият кўрсатаяпти. Яқинда 13 миллион сўмлик дори-дармонлар келтирилганлиги даволаш профилактика ишларини янада яхшилаш учун имкон яратди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

***«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси болалар шифохонаси биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.***

«Амударё» масъулияти чекланган жамият қурувчилари эски бинони таъмирлашни шу йилнинг июл ойида бошлаган эди. Қисқа фурсатда иморат мутлақо янгича қиёфа касб этди. Даволаш ва муолажа хоналарига замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди.

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами кунларида вилоятда ижтимоий аҳамиятга эга бир қанча янги объектлар фойдаланишга топширилди.***

Наманган туманидаги Кайковус қишлоғида замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Бу ерда тўққиз нафар малакали тиббиёт ходими қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатади. Шифо масканида ҳар куни элликка яқин бемор тиббий кўрикдан ўтиши ва даволаниши мумкин.

Уйчи туманининг Машад қишлоғида эса болалар спорт мажмуининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Энди қишлоқ болалари спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

Бундан ташқари, Конституция байрами арафасида вилоят асаб касалликлари шифохонаси ҳам капитал таъмирланди. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида ушбу муҳим ижтимоий объектни янгилашга 540 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги Шўроси (парламенти) Маслаҳат кенгаши Раиси Солиҳ бин Ҳумайда раҳбарлигидаги делегация 13 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.***

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасида парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Саудия Арабистони делегациясининг ташрифи нафақат мазкур соҳадаги алоқаларни, балки халқларимиз ўртасидаги дўстона ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшиши таъкидланди.

Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий А.Баҳромов билан ҳам учрашдилар. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-маърифий ва диний алоқалар ҳақида сўз борди.

**(ЎзА)**

Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари газ, сув, электр энергияси таъминотини яхшилаш, коммунал тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, ногиронларга ёрдам бериш, тарбияси оғир болалар билан ишлаш, муқаддам судланган ва жазо муддатини ўтаётган фуқароларнинг оиласидаги маънавий муҳитни ўрганиб, уларга ёрдам кўрсатиш, аҳоли ўртасида огоҳлик ва сергакликни ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимият, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

## МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ОБОД

Шаҳардаги мавжуд 62 та маҳалла фуқаролар йиғини компьютер техникаси билан таъминланиб, Қарши шаҳар ҳокимлигида жойлаштирилган компьютер марказига уланди. Эндиликда маҳаллаларда амалга оширилаётган барча ишлар, кунлик ижтимоий-иқтисодий вазият, маҳаллада яшовчи оилалар ва ҳар бир фуқаро ҳаётига оид ахборотлар компьютерда жамланиб, марказга узатиб турилади. Ҳатто қайси маҳалланинг қайси кўчасида қачон газ ёки электр энергияси бўйича узилиш рўй берганини ҳам компьютер марказидан туриб бир зумда аниқлаш мумкин.

Маҳаллалардаги компьютер операторлари Қарши давлат университетидаги махсус курсларда ўқитилди. Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида Қарши шаҳрида ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ижобий ишларни оммалаштиришга бағишлаб ўтказилган семинарда мана шу тажрибани умумлаштириш ва вилоятдаги барча маҳаллаларга жорий этиш ҳақида сўз борди.

Унда иштирок этган шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, вилоятдаги барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари, посбонлар, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раислари шаҳардаги маҳаллаларда бўлиб, амалга оширилган ижобий ишлар билан яқиндан танишдилар.

Келгусида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам худди шундай семинарлар ўтказишга қарор қилинди.

**(ЎзА)**

### ЎЗБЕКИСТОН - РОССИЯ ҲАМКОРЛИГИ
# МАҲСУЛОТГА БУЮРТМАЛАР ОРТМОҚДА

***Наманган машинасозлик корхонаси номини кўп мамлакатларда яхши билишади. Бу ерда тайёрланган ва ғоят чуқур нефт қудуқлари қазиш жараёнида асқотадиган задвижкалар, газ ва кимё саноатида қўлланиладиган маҳсулотларга талаб ҳамон катта.***

Қийин дамларда ҳам ишлаб чиқаришни камайтирмаслик, унинг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик, муҳандис ва мутахассисларни корхонадан узоқлаштирмаслик чоралари кўрилди. Маҳаллий захиралардан фойдаланган ҳолда халқ хўжалиги ва аҳоли учун истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, жамоа кўпгина синовларни бошдан кечирди. Ўтган аср тўқсонинчи йилларнинг бошларида олдинлари хомашё етказиб бериб турган шериклар билан алоқалар узилиб қолди. Шундай мураккаб шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг турли усуллари излаб топилди. Болалар велосипеди, тикув машиналари, уларнинг захираларини ҳамда турмуш ва халқ хўжалиги учун асқотадиган турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Ҳозирда Россиядан келтирилган металл прокатлар, зангламайдиган пўлат ва бошқа турдаги хомашё ҳисобига тайёрланаётган маҳсулотлар харидоргирлиги билан ажралиб турибди. Шу боис Вьетнам, Ҳиндистон, Сурия, Куба, Шарқий Европадаги қатор давлатлардан буюртмалар олинмоқда. Сўнгги йиллари бу ерда тайёрланган нефт ва газ саноати маҳсулотининг 60-70 фоизи Россияга экспорт қилинмоқда

Самара шаҳридаги «Технология-I» корхонаси энг яхши корхоналардан ҳисобланади. «Наманганда тайёрланган» деб ёрлиқ қўйилган маҳсулотлар шу ердан Россиянинг олис Сибир ўлкасига ва бошқа кўплаб нефт, газ ва кимё саноат тармоқларига, энергетика шохобчалари-ю коммунал хўжалик бўлимларига етиб бормоқда. Маҳсулотнинг қолган қисми эса ички бозор эҳтиёжи учун ажратилаётир. Жумладан, мамлакатимизнинг Қувасой, Бекобод шаҳарларидаги ва бошқа цемент ишлаб чиқариш корхоналарига, шунингдек, Олмалиқ ва Навоий кон-бойитиш корхоналарига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарур машинасозлик маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Россия билан алоқаларнинг янада мустаҳкамланганлиги корхона ҳаётида ёркин уфқлар очди. Маҳсулот турини ва ҳажмини кескин кенгайтириш, экспортни кўпайтириш, хориждаги шериклар билан янада мустаҳкамроқ алоқа ўрнатиш имконияти учун йўл очмоқда.

Корхона бош муҳандиси Анисхон Умаровнинг айтишича, ўзаро манфаатли ҳамкорлик корхонанинг қайтадан қад ростлаши, унинг ёрлиғи билан тайёрланаётган маҳсулотларнинг ер юзининг узоқ-узоқларигача етиб боришида муҳим омил бўлади.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ГИМНАСТИКАЧИЛАР БАҲСИ

***Тошкент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги анъанавий турнир якунланди.***

*Спорт устаси унвонига эга қизлар ўртасидаги беллашувларда совринли ўринлар Татьяна Гайфулина, Стелла Каримжонова ҳамда Фарида Зариповага насиб қилди.*

*Спорт усталигига номзодлар иштирокидаги баҳсларда Ирина Денискина ва Тамара Руслановани ортда қолдирган Луиза Галиулина мусобақа ғолибаси бўлди.*

*11 ёшгача бўлган гимнастикачилар баҳсида Асал Сафарбоеванинг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Асосий рақибалари Алина Валиулина ва Комила Семёновани очколар ҳисобида ортда қолдирган Асал Сафарбоева олтин медаль билан тақдирланди.*

*Ўғил болалар ўртасидаги беллашувлар икки гуруҳда ташкил этилди. Спорт усталари баҳсида совринли ўринлар Руслан Эргашев, Андрей Бескорсий ва Арсен Габрилянга насиб қилди. Спорт усталигига номзодлар орасида Отабек Машарипов, Равшан Мирзаев ва Василий Пекшевга етадигани топилмади.*

**(ЎзА)**

*Меҳнат муҳофазаси*

# ШАХСИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАСИ
## тўғри қўлланилганда самара беради

***Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, авиасозлар ўртасида 50 фоиздан 70 фоизгача ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда бахтсиз ҳодисалар иш жойларида меҳнатнинг нотўғри ташкил этилиши оқибатида юз бермоқда. Шуни эътиборга олиб Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси маъмурияти билан ҳамкорликда бу ўта муҳим тадбирга алоҳида эътибор қаратмоқда.***

Кўпгина бахтсиз ҳодисалар ишчи ёки хизматчининг ишлаб чиқаришдаги айрим мураккаб жараёнларда техника хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя этмаслиги, ёинки, ўша шароитда тўғри хулоса чиқара олмаслиги оқибатида юз бераяпти. Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса, ишлаб чиқариш технологияларининг носозлигидир.

Шахсий ҳимоя воситаларини ўз ўрнида қўлламаслик ҳам кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, махсус кийим-бошлар доимо тоза бўлиши, улар учун махсус шкафлар ташкил этилиши лозим.

Ишчи-хизматчиларга қулай иш шароити яратиш учун иш жойлари доимий равишда аттестациядан ўтказиб турилиши зарур. Айнан шунинг учун ҳам тармоқдаги ҳар бир иш ўрни аттестациядан ўтказилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Инсон саломатлиги учун ўта зарарли жойларда ишловчиларга қўшимча таътил кунлари берилиб, иш соатлари қисқартирилаяпти. Тармоқнинг барча тизимларида оғир иш шароитида меҳнат қилаётганлар имтиёзли пенсияга чиқарилиб, маошларга қўшимча устама ҳақ тўланмоқда.

Меҳнаткашларга кўнгилдагидек шароитини яратиш жойлардаги корхона бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ҳамда маъмуриятга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан улар меҳнат муҳофазаси муҳандиси ҳамда жамоатчилик асосида ишловчи комиссия фаолиятини доимий равишда назорат этиб, кенг жамоатчиликни бу ўта муҳим тадбирга жалб этишмоқда. Шу ўринда Авиация техника мажмуаси, Термиз аэропорти, Ҳаво алоқалари бош агентлиги, Ўқув машқ маркази каби бир қатор жамоаларда бу борада жуда яхши натижаларга эришилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Агарда ҳар бир ишчи-хизматчи ўз иш жойи талаб даражада бўлишини доимий равишда назорат этиб борса, меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилаётган ишлар янада яхши натижа бериши муқаррар. Айни вақтда тармоқ корхоналарида 3 босқичли маъмурий-жамоатчилик назорати амал қилмоқда. Бу назорат маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти, бевосита ишчи-хизматчининг ўзи томонидан амалга оширилмоқда. Улар машина-механизмларнинг ҳолати, шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийим-бошнинг қандай аҳволда эканлигини муттасил назорат этиб боришмоқда.

Авиация тармоғида меҳнат муҳофазасини яхшилашда Марказий кенгаш томонидан ҳар йили ўтказилаётган машғулотлар ҳамда меҳнат муҳофазаси вакиллари ўртасидаги кўрик-танловлар ўзининг ижобий натижасини бераяпти. Айнан шу тадбирлар натижасида Термиз, Тошкент аэропортларида, «Кетринг» Давлат унитар корхонасида, «UAT» авиакорхонасида меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандисларнинг ҳамда вакилларнинг фаолиятлари кескин яхшиланди.

**Н.РАФИҚОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Йўл қоидаси — умр фойдаси

**Маълумки, Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг фармойиши, ички ишлар бошқармасининг кўрсатмасига биноан 14 ноябрдан 14 декабргача вилоят ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаяпти. Автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидалари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилаётган тадбир пиёдалар ва автотранспорт воситаларини бошқараётганлар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш, турли кўринишдаги кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган.**

# МАШИНАНГИЗНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?




Бу борада Китоб туман ички ишлар бўлими ходимлари бир мунча ишларни амалга ошираяпти. Ойликни ўтказишда ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, халқ таълими бўлими, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, шунингдек, кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этаяптилар.

Туман ички ишлар бўлими автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш катта инспектори капитан Шавкат Ҳайдаровнинг таъкидлашича, тумандаги мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда коллежларда йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш бўйича суҳбат ҳамда кўргазмали семинарлар ўтказилаяпти. Шунингдек, бу тадбирда «Китобтранс» масъулияти чекланган жамияти вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Яқинда давлат автомобил назорати ва «Китобтранс» масъулияти чекланган жамият вакиллари ҳамкорлигида ўтказилган рейдда йўл транспорт қоидаларига амал қилмаётган қоидабузар ҳайдовчиларнинг борлиги аниқланди. Зариф Одилов 18 I 10 76 давлат рақамли «Дамас» русумли автомашинани «Китоб-Туюл» йўналиши бўйича бошқариб келаётганида тўхтатиб ҳужжатлари сўралганда, уюшмага аъзо бўлмасдан ҳаракатланаётганлиги аниқланди. «Китоб-Мироқи» йўналиши бўйича ҳаракатланаётган 18 L 96 42 давлат рақамли «Дамас» русумли автоуловни бошқараётган Актам Ражабов эндигина 19 ёшга тўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 360-ҳамда 482-сонли қарорларига асосан йўловчи ташийдиган ҳайдовчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги, иш стажи 1 йилдан кам бўлмаслиги ҳамда юк ва йўловчи ташиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Китоб-Варганза, Китоб-Бешқозоқ, Китоб-Улуғбек, Китоб-Янгиариқ йўналишлари бўйича қатнайдиган йўловчи ташиш транспорт воситалари эгалари ҳам баъзан тезликни ошириш, автоуловга ортиқча одам миндириш каби қоидабузарликларга йўл қўяётганликлари кечириб бўлмас ҳолдир.

Баъзан автотранспортни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқараётганлар ҳам учраб туради. Саминжон Ибрагимов 18 K 97 79 давлат рақамли «Нексия» автомашинасини бошқариб келаётганда йўл патруль хизмати катта нозири капитан Анвар Негматов томонидан тўхтатилди. Шунингдек, Юсуф Ғуломов ҳам 10 N 25 47 рақамли «Нексия» автомашинасини маст ҳолда бошқариб келаётганида сержант Санжар Султоновга рўбарў келди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. 14 ноябрдан 22 ноябргача 8 нафар ҳайдовчи автотранспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлиги, 92 нафар ҳайдовчи йўл белгилари ва йўл ёпиқ чизиқларига бўйсунмаганлиги, 17 нафар ҳайдовчи автотранспорт воситасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарганлиги аниқланди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тадбирида транспорт воситаларининг техник ҳолати, йўлга чиқиши, қатъий равишда йўналиш бўйича ҳаракатланиши устидан назоратни кучайтириш, айниқса, тунги вақтларда транспорт воситаларини сақлаш, ҳайдовчиларнинг иш вақти тугагандан сўнг ҳамда дам олиш кунлари йўналишга чиқишига йўл қўймаслик чораларини кўриш натижаларини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари йиғилишларида муҳокама қилиб бориш аниқ равшан кўрсатилган.

Йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқармаслик учун пиёдалар, айниқса, болаларни йўлнинг белгиланган жойидан юришлари, йўлни кесиб ўтишда светофор, йўл белгиларининг талабларига қатъий амал қилишлари юзасидан назоратни кучайтириш зарур бўлади. Бу нафақат йўл-патруль хизмати ходимлари, профилактика инспекторларининг иши бўлиб қолмай, барчага бирдек тааллуқлидир.

**Ш.СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Республика касаба уюшма ташкилотларида

# БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАРГА

**Қаердаки ишчи-хизматчи оиласи, фарзандларидан кўнгли хотиржам бўлса, ўша ерда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бу борадаги эзгу ишларга ҳамиша камарбаста.**

Шу мақсадда тармоқдаги 2 минг 110 та корхонада 8 мингдан зиёд кам таъминланган оила фарзандларига 20 миллион 400 минг сўмлик дарсликлар ва ўқув қуроллари тарқатилди. 3 минг 946 та боқувчисини йўқотган оила фарзандлари мактаб формалари билан бепул таъминланди. 536 та корхона олий ва ўрта махсус ўқув масканларида таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандлари учун жами 83 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказиб берилди.

Меҳр-саховат — эзгулик элчиси. Ёрдамга муҳтож, ногирон, якка-ёлғизларни қўллаб-қувватлаш ҳам фаолияти бош мезони бўлиб келмоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» муносабати билан бу борадаги эзгу ишлар янада кўпайди. Жумладан, 4 минг 864 нафар ногиронга 120 миллион, 1 минг 387 нафар байналмилалчи жангчиларга 12 миллион, 2 минг 620 нафар Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашган фуқароларга 16 миллион сўмликдан зиёд тиббий хизмат кўрсатилди.

# ИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНИ КАДРЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ

**Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши ва унга қарашли Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар тармоқ касаба уюшма вакилликлари кейинги йилларда ўз ходимлари таркибини давр талабига мослаштириш учун кўпгина ишларни амалга оширишмоқда.**

Хотин-қизлар мавқеини кучайтириш масаласи тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашининг эътиборидан четда қолмаяпти. Ҳозирги кунда янги сайланган касаба уюшма фаолларининг 11,1 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Касаба уюшма қўмиталари етакчилари таркибида малакали, ўз соҳасининг мутахассиси бўлган ёшлар 8,7 фоизга, олий маълумотга эгалари 49 фоизга етди.

Касаба уюшмалари фаолияти назарияси ҳамда амалиётини чуқур ўрганиш, замонавий иш услубини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшма Федерацияси Кенгаши қошидаги ўқув марказида мунтазам равишда ўқувлар ташкил этилмоқда.

Фаоллар сафига янги аъзоларни жалб этиш бўйича ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Ўтган йиллар мобайнида 50 дан зиёд корхона ва муассасаларда бошланғич ташкилотлар тузилиб, 2 мингдан зиёд ишловчилар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди. Айниқса, бу иш Тошкент вилоятида ўзининг яхши натижасини бермоқда. Бу ерда 6 та шахсий ташувчилар касаба уюшмалари рўйхатга олиниб, 500 нафардан зиёд ҳайдовчилар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

# АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

**Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор берилаяпти. Таълим ходимлари, хусусан, ўқитувчилар ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз Фармонига мувофиқ келгуси йилдан иш ҳақларининг янада оширилиши шундан далолатдир. Ўқитувчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида касаба уюшмалари ҳам изчил иш олиб боришмоқда.**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Пайариқ туман кенгашига 150 дан зиёд бошланғич ташкилотлар, 7600 нафардан зиёд аъзо бирлашган. Уларга дахлдор масалаларни ҳал этиш учун жамоа келишуви, жамоа шартномалари асосида фаолият юритилаяпти.

Бундан ташқари, туман тармоқ касаба уюшма кенгаши ўз маблағи ҳисобидан ходимларга ҳиммат кўрсатмоқда. Хусусан, тумандаги 54-махсус мактаб-интернатга 200 минг сўмлик кийим-кечак, 156 минг сўмлик совғалар олиб берилди. Касаба уюшма аъзоларига жами 700 минг сўмликка яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 36 кишига санаторийларга йўлланма берилди. Шундан 2 таси фахрий ўқитувчиларга бепул ажратилди. Барча тадбирларда ижтимоий ҳимоя алоҳида ўрин тутади. Касаба уюшмалари эътиборидан 46 нафар байналмилалчилар, 469 нафар кам таъминланган оила, 158 нафар ногирон ва якка-ёлғизлар ҳам четда қолаётгани йўқ.

# МУРУВВАТДАН МУНАВВАР

**Юртбошимиз томонидан 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили деб эълон қилинганлиги Қоракўл туманидаги "Мурувват уйи" ходимлари ҳамда шу ерда даволанаётган, яшаётган, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларни ҳам хурсанд қилди.**

Куни кеча "Мурувват уйи"да катта бир хайрия тадбири ўтказилди. Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан 1 та рангли телевизор, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2 дона ногиронлар аравачаси ушбу муассасага ҳадя қилинди. Шу куни Қоракўл шаҳридаги Буюм бозори маъмурияти томонидан "Мурувват уйи"нинг 164 нафар яшовчиси учун ош берилди, шаҳар "Маданият уйи" томонидан дам олиш концерти ташкил этилди.

—Муассасамизда хизмат қиладиган шифокор ва хизматчилар ҳар бир мурувватга муҳтож инсоннинг юрагига йўл топишга ҳаракат қилади,—дейди директор Шуҳрат Раҳимов. Давлатимиз томонидан ногирон ва қарияларга ана шундай ғамхўрлик кўрсатилаётгани инсонпарварликнинг олий намунасидир. Бундан буён ҳомийларимиз, саховатли одамларимиз янада кўпайишига ишончим комил.

# УСТАМА СТИПЕНДИЯ

**Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган, етим, ногирон, иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005-2006 ўқув йили учун махсус устама стипендия таъсис этилди.**

Унга Денов педагогика коллежидан Муҳаммади Чибиров, Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежидан Алибек Жўраев, Ангор педагогика коллежидан Дилфуза Дўстмуродова, Термиз педагогика коллежидан Гулбаҳор Жабборова, Халқабод педагогика коллежидан Бибинияз Георгий, Термиз озиқ-овқат саноати коллежидан Георгий Загрутдинов, Музработ кичик ва ўрта бизнес коллежидан Нуржамол Валиева, Музработ педагогика коллежидан Робия Исмоиловалар сазовор бўлишди.

**Ўз мухбирларимиз**

# Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

**САВОЛ: Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига бериладиган компенсация пул тўловлари қайси тоифа пенсионерларига қандай миқдорларда тўланади.**

**М.АЗИМОВА,**
**Самарқанд вилояти**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 мартдаги «2003 йил 1 апрелидан бошлаб уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 15 апрелда 1232-рақам билан рўйхатга олинган «Уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича белгиланган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш механизми тўғрисида»ги Низомда ушбу имтиёздан фойдаланадиган шахслар доираси белгилаб берилган. Унга кўра:

1. Энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан 45 фоиз миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловлари, педагогик ва илмий-педагогик соҳада камида 10-йиллик иш стажига эга бўлган қуйидаги ишламайдиган пенсионерларга жорий этилади: Буларга:

— барча турдаги умумий таълим мактабларида ва мактаб-интернатлари, лицейлар, лицей-интернатлар, гимназиялар, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, кечки мактаблар, махсуслаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларидаги педагогик маълумотига эга бўлган ўқитувчилар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифат ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрлар;

— академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва касб-ҳунар ўқув юртларидаги ўқитувчилар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб-чиқариш таълим усталари, психологлар, методистлар, тарбиячилар ва концертмейстрлар.

— «Меҳрибонлик уйлари»даги педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, психологлар;

— болаларнинг мактабгача муассасалари ва мактаб болалар боғчаларидан педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, психологлар;

— мактабдан ташқари муассасалари (мактаб болалари уйлари ва саройларида, ёш техниклар ва ёш саёҳатчилар станциялари ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия заҳиралари мактаблари ва олий спорт усталари мактаблари, етти йиллик мусиқа мактаблари ва санъат мактаблари)даги педагогик маълумотига эга тренерлик стажига эга бўлган ўқитувчилар, тарбиячилар, тренер-ўқитувчилар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, инструктор услубчилар, концертмейстрлар;

— Олий ўқув юртларидаги профессор-муаллимлар таркиби, ректорлар, илмий ва маънавий-маърифат ишлари бўйича проректорлар, филиалларнинг директорлари ҳамда ўқув ва маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосарлари, илмий-котиблар ишлаб чиқариш таълим усталари, ҳисоблаш марказлари бошлиқлари ва муҳандислари;

— қишлоқ жойларда ва ишчи шаҳарларида шифокорлар, провизорлар, ўрта тиббий ва фармацевт ходимлар сифатида камида 10 йиллик иш стажига эга бўлган пенсионерлари.

Иш стажидан ва маълумотидан қатъий назар энг кам иш ҳақига нисбатан 45 фоиз миқдорида ҳар ойлик компенсация қуйидаги ишламайдиган пенсионерларга жорий этилади:

— ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларга;

— 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушининг ногиронлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдан 249-сонли қарори билан тасдиқланган тоифадаги пенсионерларга):

— биринчи ёки иккинчи даражадаги «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган пенсионерларга;

— Совет иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалист Меҳнат Қаҳрамонлари ва учала даражадаги «Слава» ордени билан тақдирланган пенсионерларга;

— Фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган маҳбуслари (узниклар) ҳисобланган пенсионерларга;

— Ленинград шаҳрининг қамал даврида шаҳарнинг корхона, муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилган ва «За оборону Ленинграда» медали ҳамда «Жителю блокадного Ленинграда» нишони билан тақдирланган пенсионерларга;

— Кўз бўйича I-гуруҳ ногирон ҳисобланган пенсионерларга;

— Чернобил фожиаси оқибатидан зарар кўрган фуқаролар тоифасидан бўлган пенсионерларга (Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сонли қарорига асосан пенсия тайинланган - ишламайдиган шахслар);

— Ядро полигонларида ва бошқа ядро радиация объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар тоифасидан ҳисобланган пенсионерларга берилди.

Шунинг билан бирга энг кам иш ҳақига нисбатан 18 фоиз миқдорида ҳар ойлик компенсация иккинчи жаҳон уруши йиллари (1941-1945 йиллари) меҳнат фронти қатнашчилари тоифасидан ҳисобланган ишламайдиган пенсионерларга жорий этилади.

## Ёнғин хавфсизлигига қарши кураш — ҳамманинг иши

**Сув ва олов! Табиатнинг инсониятга бебаҳо тухфаси саналган бу икки манбанинг кишилик жамияти тараққиётида қанчалик катта аҳамият касб этганлиги билан бир қаторда тенгсиз ҳалокат ва йўқотишларга сабаб бўлганлигини ҳам яхши биламиз. Бинобарин, халқимиз ҳар иккисини беҳудага «тилсиз ёв» деб аташмаган. Улардан нотўғри фойдаланиш ва белгиланган қоидаларга риоя этмаслик оқибатида юз берган фожеаларга мисоллар бисёр. Мухбиримизнинг Наманган вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Бойназар Дадабоеа билан суҳбати шу мавзуда бўлди.**

# «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН САҚЛАНИНГ



– Дарҳақиқат, оловнинг инсон учун тенгсиз ёрдамчи, унинг олдида турган юмуши ва муаммоларни ҳал этишда беминнат кўмакдош эканлигига мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бир вақтда унга эҳтиётсизлик, эътиборсизлик қилинса, катта фалокат ва йўқотишларга сабаб бўлишини ҳам яхши биламиз. Ахир, ҳар йили ана шундай бепарволиклар туфайли ер юзининг турли жойларида юз минглаб гектар ўрмонлар куйиб кулга айланмоқда, бутун-бутун шаҳарлар вайрон бўлмоқда. Бинобарин, ҳукуматимиз ёнғин келиб чиқишининг олдини олиш ва унга қарши кураш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Қабул қилинаётган Президент Фармонлари ва қатор ҳукумат қарорлари фикримиз далилидир.

– Маълумки, ҳар қандай вазифани бажариш учун биринчи навбатда тайёргарлик, зарур моддий-техника базаси мустаҳкам бўлиши талаб этилади. Косонсой ва Чортоқ туманларида, Қамчиқ довонида ёнғин хавфсизлиги қисмлари учун замонавий бинолар барпо этилди. Янгиқўрғон ва Тошбулоқ шаҳарчалари марказларидаги ҳарбий ёнғин хавфсизлиги қисмларининг автосаройлари ва хизмат хоналари бугунги кун талаблари даражасида таъмирланди. Яқин йиллар ичида Поп, Норин ва Учқўрғон туманларида ҳам шу йўналишда катта ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, мавжуд ёнғин хавфсизлиги техникаларини ҳар дақиқада ишга шай бўлишини таъминлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Содир бўлган ёнғинлар ҳақида тезкор маълумотларнинг жуда қисқа муддатларда қабул қилинишига эришиш учун бошқарма марказий диспетчерлик хизматида бир вақтнинг ўзида 5 та хона орқали хабарлар олиш имкониятига эга рақамли кўп хонали магнитофон ўрнатилган. Вилоят гарнизонидаги газ ва тутундан ҳимоялаш хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш учун Наманган шаҳар 26-касбий ёнғин хавфсизлиги қисмида назорат қилиш, кислород ва ҳаво баллонларини ҳамда аппаратларни сақлаш, ювиниш, қуритиш, таъмирлаш хоналари ташкил этилди.

Базага олиб келинган кислород ва ҳаво баллонларини синовдан ўтказиш йўлга қўйилди. Мазкур газ ва тутун хавфсизлиги хизмати базаси қўшни Фарғона ва Андижон вилоятларининг шундай ташкилотларига ҳам хизмат қилади.

Шунингдек, ёнғинларни ўчириш учун сув заҳирасини яхшилаш мақсадида Наманган шаҳрининг Нуробод даҳасида 15 та, Косонсой туманида 2 та, Уйчи шаҳарчасида 3 та сув олгич қурилди. Умуман, вилоят ҳудудида 24 та янги сув ҳовузи барпо этилди. 35 та сув ҳовузи, 127 та сув олгич таъмирланди.

Афсуски, баъзи ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари бошларига совуқ сув тўкилиб, бундай фалокат юз бермагунча ёнғин юз бериши мумкинлиги ҳақида, ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Шу боис биз жойлардаги тайёргарлик ишларини қатъий режа асосида назорат қилиб борамиз. Чунончи, ўтиб бораётган йилда вилоятдаги 12486 та халқ хўжалиги масканларининг 10 мингдан ортиғида тайёргарлик ҳолати кўздан кечириб чиқилди. Шунингдек, якка тартибдаги ва кўп қаватли уйлар ҳам назоратдан ўтказилди. Ўрганишлар юзасидан тегишли маълумотномалар ҳокимлик ва маъмурий идораларга тақдим этилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ходимларимиз тез-тез меҳнаткашлар билан бир қаторда болалар ўртасида ҳам тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ҳар йил «Ёнғин хавфсизлиги – болалар тасаввурида» кўрик-танловлари ўтказиб келинмоқда. Мақсадимиз битта: ҳеч қаерда ёнғин чиқмасин ва ундан ҳеч кимга шикаст етмасин!

**Суҳбатдош:**
**О.ЖУМАЕВ**

## «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

# ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҚАЙСИ ТУРДАГИ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ?

## Саволингизга ҳуқуқшунос Шердор Жўрабоев жавоб беради

**САВОЛ: Юридик шахсларнинг қайси турдаги мол-мулкига солиқ солинмайди?**

**А.ҲАКИМОВ,**
**Сирдарё вилояти,**
**Оқолтин тумани**

**ЖАВОБ**: Солиқ Кодексининг 92-моддасига мувофиқ юридик шахсларнинг қуйидаги мол-мулкига солиқ солинмайди.

Нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк бундан мустасно;

халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига;

қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно;

янги ташкил этилган юридик шахсларининг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Солиқ бўйича мазкур имтиёз тугатилган «қайта ташкил этилган» корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган қорхоналарга , шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 102-моддасида ер солиғи тўлашдан озод қилинган юридик шахслар белгиланган. Булар:

тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, ер участкаларидан тадбиркорлик фаолияти йўлида фойдаланаётганларидан ташқари;

маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ва меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, бўйсунувидан қатъи назар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун уларга ажратилган ер участкалари учун;

деҳқон (фермер) хўжаликлари - давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга;

чет эл инвестициялари иштирокидаги, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар-рўйхатдан ўтказилган пайтда эътиборан икки йил мобайнида;

ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва Ўзбекистон чернобилчилар ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахслар, савдо воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар бундан мустасно.

*Халқ амалий санъати*

**Алломалардан бири «Сен тарбия берган шогирдларингдан хеч бўлмаганда биттаси «Шу одам менинг устозим», деб тан олса мураббий учун бундан ортиқ бахт йўқ» деган экан. Юртимизда шундай устозлар борки, уларни бир эмас, ўнлаб, юзлаб ўқувчилари «мен фалончининг таълимини олганман», дея номини фахр билан тилга оладилар.**

# ПОЙТАХТДА БИТТАГИНА

Пойтахтимиздаги 326-халқ амалий санъати йўналишига ихтисослаштирилган мактабда эл ардоғига лойиқ устоз-ўқитувчилар кўп.

— Ўғил болалар синфида ўқувчиларга миниатюра санъати, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, бадиий рассомчилик, нақкошлик сирларидан сабоқ берилса, қизларга бичиш-тикиш, кўл каштачилиги, зардўзлик, машинада бадиий каштачилик ҳунарлари ўргатилади, - дейди мактаб директори Тинчивой Пўлатов. — Шунингдек, умумий фанлардан ҳам ўғил-қизлар мукаммал билим оладилар.

Дарвоқе, ўтган ўн икки йил мобайнида 2500 нафардан зиёд йигит-қиз мазкур зиё масканини битириб, катта ҳаётга йўлланма олди. Улардан қарийб ярмига талаба бўлиш насиб этди. Ушбу билим даргоҳининг бир қанча собиқ ўқувчиси эса Низомий номидаги педагогика университетини тугатиб, ҳозир шу ерда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Мактабнинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Синфхона, устахоналар замонавий ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъминланган. Бичиш-тикишни ўрганаётган қизлар ихтиёрида 27 та тикув машинаси мавжуд. Фанлардан ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчилар учун қўшимча машғулотлар ташкил этилган.

— Жамоада етмиш тўрт нафар муаллим ва мутахассис сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Кадрлар масаласида муаммо йўқ, ҳисоби. Ҳаммаси ўз касбининг етук билимдони.

Айни пайтда 326-халқ амалий санъати мактабида 1012 нафар ўғил-қиз касб-ҳунар ўрганмоқда. Улар ихтиёрига тўлиқ жиҳозланган 35 та синфхона бериб қўйилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бу даргоҳ Тошкент шаҳрида ягона ҳисобланади. Шу боис пойтахтнинг бошқа туманларида яшовчи кўпчилик ота-оналар ҳам фарзандларини шу мактабда ўқитишни исташмоқда.

Ҳомийлар барака топишсин. Ёрдамларини аяшмаяпти. Айниқса, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги, туман телефон тармоғи, «Линза контакт» корхонаси томонидан кўрсатилаётган кўмак айни муддао бўлаётир

Директорнинг ўзи нутқ маданиятидан дарс беради. -Бола ёшлигидан ўз она тилида равон ҳамда чиройли сўзлашга ўрганса, келгусида у қандай касб эгаси бўлишидан қатъи назар, тил, муомала танлаган соҳасини мукаммал эгаллашда муҳим аҳамият касб этади,- дейди у. Дарҳақиқат, фикрни чиройли баён эта билиш барча билимлар калитидир.



**А.МУРОДОВ**

**Суратда: машғулот пайти**

*Биласизми?*

**Латипа кўпгина шарқ мамлакатлари каби ўзбек аёлларининг ҳам севимли, аммо тобора унутилиб бораётган тақинчоқларидан биридир. Барчамиз яхши биламизки, узук панжаларга, билагузук билакка, мунчоқ бўйинга, исирға кулоққа тақилади. Лекин латипа улардан фарқли ўлароқ бурунга тақилади. Этнограф И.Жабборов маълумотича, уни бурунсирға дейишади, аммо эл ичида турлича номланиши ҳам бор гап. Нурота тоғ ёнбағрида яшовчи ўзбеклар латипа дейишса, Зарафшон воҳасининг ўрта қисмларида яшовчилар булоқи, бурун-булоқи, бурноқи, Қуйи Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшовчи элатлар эса арабек, излом, натбина, натти, Хоразм воҳасида аравак ҳам деб аташади.**



# ЛАТИПА — АРАВАК

Биронта тақинчоқнинг бунчалар кўп номи бўлмаса керак. Ҳатто наттининг икки тури мавжуд. Натти-бурун тешикларнинг ўртасига, чет натти эса бурун парракларининг ўнг томонига тақилади. Уларнинг тақилиш вақтида ҳам маълум тартиб кузатилади. Олайлик, натти фақат келинга никоҳ кечаси тақилади, чет натти эса унгача, ундан кейин ҳам тақилиши мумкин.

Бу тақинчоқнинг ўлкамизда пайдо бўлиши араблар истилосидан кейинги даврларга хос. Чунки аравак, аравек атамасининг ўзигина унинг аробий келиб чиқишга эга эканлигидан дарак беради. Ҳатто латипага ўхшаш қулоққа осиладиган ярим ҳалқа шаклидаги исирғанинг «ҳалқа-и Муҳаммади» дея аталиши ҳам латипанинг келиб чиқишига кичик ишора, деб билиш мумкин.

Санъатшунос олим Д.Фахретдинованинг фикрича, латипанинг пайдо бўлиш тарихи бироз мунозарали, айтиш мумкинки, пича қоронғудир. Энг қадимги манбалар XVI асрга бориб тақалади, дея хабар беради олима. Аммо баъзи адабиётларда келтирилган тарихий далилларга кўра, латипанинг тақинчоқ шаклида пайдо бўлганлигига биз қиёсий таққослашларга таяниб 4000 йил бўлди, дея оламиз. Латипа тарихи пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссалом яшаган даврларга бориб тақалади. Маълумки, у Дажла ва Фурот дарёси оралиғидаги Бобил давлатига қарашли Совод деган жойда таваллуд топди. Кейинчалик Мисрдан аёли Сора ва хизматчиси Хожар билан Фаластинга кўчиб келади. Бу вақтда анча кексайиб қолган, аммо бефарзанд эди. Шу боисдан Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолога доимо «Парвардигоро, менга солиҳ фарзанд ато қилгин», – дея дуо қиларди. Иброҳимнинг хотини Сора эрининг кўнглидаги умидларни сезиб:

– Менга энди фарзанд туғиш насиб этмайди, шекилли. Сиз яхшиси Хожарга уйлансангиз бўларди. Зора ундан фарзанд кўрсангиз, – деди.

Шу таклид Иброҳим алайҳиссалом Хожарга уйланди ва ундан ўғил фарзанд кўрди. Боланинг исмини Исмоил дея атадши. Боласини суюб эркалашларидан рашки келган Сора, табиийки, Хожарни эри Иброҳимдан қизғана бошлади. Хожар Иброҳимга хунук кўринсин, дея дастлаб унинг қулоқларига ҳалқа осиб ташлади. Бундан Хожар янада очилиб кетди. Бошқа ривоятларда нақл қилинишича, Хожарнинг бурунларини ҳам тешиб ҳалқа осиб қўйди. Бундан янада гўзаллашган кундоши билан бир хонадонда тура олмаслигига кўзи етган Сора Иброҳим алайҳиссаломдан Хожар ва унинг ўғлини узоқроққа юборишни талаб қила бошлади. Иброҳим алайҳиссалом Парвардигорнинг амри ва Соранинг хоҳишига кўра ёш гўдак Исмоил ва унинг онаси Хожарни олиб ҳозирги Маккаи Мукаррама шаҳри томон йўл олди.

Кўпгина олимлар қатори араб тарихчи олими Масъудийнинг битикларига кўра, Исмоил алайҳиссалом милоддан аввалги 1910 йилда туғилган эканлар. Демак, Исмоилнинг Хожар билан Маккага келган вақти милоддан аввалги 1910 йилига тўғри келади, яъни ўшандан буён 4000 йилга яқин вақт ўтибди. (Дувбий–9-бет).

Мумкинки, Хожар онамизнинг муборак бурунларига Сора онамиз томонидан тақилган ҳалқа-латипанинг пайдо бўлганига ҳам 4000 йил тўлибди.

Айни вақтда Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб тарқалган халқ ва элатлар, айниқса, ўзбеклар орасида латипа-аравак тақиш кундан-кунга русум тарзидан четлаб бормоқда. Қашқадарё вилоятининг Жейнов ҳудуди бўйлаб тарқалган, ўзбеклар билан қисман ассимиляцияга киришган араблар орасида латипа-аравак тақиш кўпроқ учрайди. Фотостудияда кўрсатилгани каби кекса аёллар қатори ёш келинчаклар ҳам латипа-аравак тақишга ишқибозлик билдирадилар.

**Асрор НИЗОМОВ,**
**Тошкент Давлат педагогика университети доценти**

## Спорт оламида

*Бокс*

### ШОУ ОЛДИДАН ОЧИҚ МАШҒУЛОТ

Афсонавий боксчи Муҳаммад Алини билмайдиган спорт ишқибози бўлмаса керак. Тақдир ўйинини қарангки, унинг қизи Лейла ҳам ушбу спорт турига меҳр қўйиб, маълум даражада муваффақиятга ҳам эриша билди. Шу боиски, Лейла Али номи жаранглаган ҳар бир турнир барчада қизиқиш уйғотади.

Аёллар ўртасида иккинчи ўрта вазнда жаҳон чемпиони унвонини ўз қўлида сақлаб келаётган Лейла Али куни кеча Берлинда матбуот аҳли учун очиқ машғулот уюштирди. Эслатиб ўтамиз, Лейла 17 декабрда шов-шувли олишувда иштирок этади. Лекин ушбу кунги жанг асосан ўта оғир вазн тоифасида номлари дунёга таралган Николай Валуев ва Джон Руис ўртасида бўлади.

### УЧРАШУВНИ АПРЕЛДА КЎРАМИЗ

Шеннон Бриггс ва Сэмюэл Питер келгуси йил апрел ойида рингда учрашадиган бўлдилар. Машҳур боксчилар ўта оғир вазнда бўлажак даъвогар ким эканлигини аниқлаб олишлари керак. Ш.Бриггснинг айтишича, ушбу учрашувдаги ғалаба унинг мавқеини янада кўтаради.

Ҳозирча Шеннон WBC йўналиши бўйича ўн биринчи, IBF ва WBO йўналишлари бўйича ўн учинчи ўринни эгаллаб турибди.

*Баскетбол*

### «ЮТА» ПЕШҚАДАМНИ ДОҒДА ҚОЛДИРДИ



Миллий баскетбол ассоциацияси мунтазам чемпионатида бешта учрашув ўтказилди. Асосий воқеа, бу мавсум пешқадами «Детройт» клубининг «Юта»га муносиб қаршилик қилолмагани бўлди. «Детройт» баскетболчилари учрашувни ишонч билан бошлаб, танаффусга 13 очко фарқи билан чиқиб кетдилар. Бироқ иккинчи даврада «Юта» гўё янгидан дунёга келгандек ҳаракат қилди. Охир-оқибат, ташаббус тўлалигича қўлга киритилди ва бу ўз самарасини берди.

Хусусан, Андрей Кириленко яхши ўйнади. У 22 очко тўплади, 12 марта рақиб ҳужумини йўққа чиқарди. «Юта» мураббийи Джерри Слоаннинг сўзига қараганда, шу куни Кириленко ҳар жиҳатдан ўзини кўрсатди.

*Хоккей*

### САЁҚ ЮРСАНГ ТАЁҚ ЕЙСАН

Ярославлнинг «Локомотив» клуби ҳужумчиси Константин Глазичев қорин ва жигар қисмига тиғ орқали жароҳат етказилгани боис касалхонага тушди.

Спортчининг сўзига қараганда, у севган қизи билан жанжаллашиб қолганидан кейин шундай фавқулодда ишга жазм қилган. Хоккейчининг ҳаёти врачларнинг эътирофича, хавф-хатардан холи. Жарроҳлик аралашуви муваффақиятли ўтган ва 20 ёшли истеъдод соҳиби ҳадемай умумий палатага ўтказилади.

Ишқибозлар учун маълумот. Ушбу мавсумда темирйўлчилар таркибида ҳужумчи сифатида ўйнаётган К.Глазичев ушбу пайтгача рақиблар дарвозасига еттита шайба йўллаб, тўртта гол билан якунланган шайба узатишни амалга оширганлигининг ўзиёқ Константин анчайин истеъдодли спортчи эканлигидан далолат беради.

Хоккейчининг Архангельскда турадиган ота-онаси Ярославлга етиб келишди.

*Футбол*

### ХАЙРЛАШУВ МАТЧИ

18 йилдан бери садоқат кўрсатиб «Гётеборг» клубида тўп сураётган Хоқон Милд ўзининг хайрлашув учрашувини ўтказди. Гарчанд унинг жамоаси Осло шаҳри клуби «Люну»га 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган бўлсада, стадионга йиғилган мухлислар Милдни бутун ўйин давомида олқишлаб туришди.



– Мен бугун бошдан ўтказган кечинмани ҳеч қачон унутмайман, – деди футболчи.

Эндиликда Милд «Гётеборг» спорт клуби директори сифатида фаолиятини давом эттиради.

### ЧЕМПИОН МОСКВАГА КЕЛАДИ

Хабарингиз бор, Бразилия 2006 йилда Германияда ўзининг чемпионлик унвонини ҳимоя қилади. Россия эса... Афсуски, МДҲ ҳудудидан фақат Украина терма жамоасигина ушбу мундиалда иштирок этади. Қолган термалар; шу жумладан, Россия футболчилари Германияда кечадиган қизғин баҳсларни телеэкран орқали кўришга мажбур.

Шундай бўлса-да, бразилияликлар чемпионат олди тайёргарлигида Россия терма жамоасига ҳам ўрин берганлиги диққатга сазовордир. Икки жамоа ўртасидаги матч баҳорнинг илк куни – 2006 йилнинг 1 мартида Москванинг «Локомотив» стадионида ўтказилади.

### КУЧЛАР ТЕНГ БЎЛМАГАЧ

Маълумки, Австралия навбатдаги циклдан бошлаб Осиё қатъаси вакиллари билан биргаликда гуруҳларга бўлинган ҳолда жаҳон чемпионатига бериладиган йўлланма учун кураш олиб боради. Шу боис ҳам ушбу қитъа вакили бўлмиш «Сидней» жамоасининг клублар ўртасида жаҳон чемпионатидаги иштироки бизда ўзгача қизиқиш уйғотмоқда.

Афсуски, австралияликлар Шимолий Америка вакили – Коста Риканинг «Саприсса» клубига қарши муносиб тўп суролмадилар. Учрашув 0:1 ҳисобида якун топди. Бу демакки, энди «Сидней» клуби 5-6 ўринлар учун баҳс олиб боради. Ярим финалда эса «Ал-Иттиҳод»-«Сан-Пауло» ва «Саприсса»-«Ливерпул» ўзаро учрашадилар.

**М. ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

*Спорт оламида*

# ИЛК БОР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

*Фестивал*

Мамлакатимизда илк бора Шарқ якка кураши турлари бўйича ташкил этилган фестивал кутилганидан ҳам юқори савияда ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди.

Айтиб ўтиш керакки, Шарқ якка кураш турлари жанг санъати Республика маркази томонидан ишлаб чиқилган янги қоидалар асосида ўтказилди. Илк бор ташкил этилган мазкур фестивалда юртимизда фаолият кўрсатаётган Шарқ якка кураш федерациялари ва ассоциацияларининг етакчи спортчилари дастлаб ўз йўналишлари бўйича беш вазн тоифасида, учта таътамида икки минутли, уч раундли баҳсларда ғолиблик учун кураш олиб боришди. Ғалаба қозонган спортчилар Шарқ якка кураш турлари ва жанг санъати Республика маркази низомига кўра махсус ишлаб чиқилган дастур асосида баҳслашишди. Фестивалга кикбоксинг, каратэ, муайтай спорт йўналишлари, шунингдек Ўзбекистон анъанавий таэквандо маркази каби ўнга яқин федерация спортчилари жалб этилган.

Фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам Шарқ якка кураш федерацияларини жамлаб, ўзаро дўстона муносабатларни ўрнатиш ва яна бир бор етакчи спортчиларни синовдан ўтказиш эди. Биринчи кун қатнашчилар ўз йўналишлари бўйича ғолиблар номини аниқлади. Унда кикбоксинг бўйича 65 килограмда Нуриддин Нуриддинов, 71 килограмда Аҳмад Алимбеков, 78 килограмда Фарҳод Юнусов, 85 килограмда Бобур Йўлдошев барча рақибларини енгиб финалга йўл олишди. Фестивалнинг иккинчи куни федерация спортчилари ўзларининг кўргазмали чиқишларини намойиш этишди. Сўнгра финал учрашувларига йўлланма олган спортчилар Шарқ якка кураш турлари ва жанг санъати маркази ишлаб чиққан махсус қоида асосида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

**«Туркистон-пресс»**

*Саломатлик сабоқлари*

**Маълумки, илм ва фаннинг ривожланиши, инсон соғлиги учун эътиборнинг ортиши билан дори-дармонлар тури йил сайин тўхтовсиз кўпайиб бормоқда. Мутахассислар эътирофича, ҳозирги кунда турли касалликларни даволаш мақсадида қўлланилаётган дорилар тури 5000 дан ошиб кетган. Айниқса, кейинги йилларда асабни тинчлантирувчи, оғриқни қолдирувчи препарат ва антибиотиклар кенг қўлланилмоқда.**

# ДОРИ АЛЛЕРГИЯСИ

Минг афсуски, дори хиллари ва микдорининг бундай тез ўсиб бориши ўз навбатида кўнгилсиз таъсирларнинг кўпайишига, баъзан кутилмаган оғир аҳволларнинг келиб чиқишига, умуман «дори касаллиги»нинг кучайишига сабабчи бўлмоқда. Америкалик ботаник Фелгер ҳавонинг ҳар хил газлар билан заҳарланиши, табиатнинг ифлосланиши, дори-дармонларни пала-партиш ишлатиш оқибатида инсоният ўзини биологик усул билан маҳв этаётганини айтади. Эндиликда «дори аллергияси» деган ибора тез-тез учрамоқда. Дори-дармонлар таъсирида пайдо бўладиган аллергия эса инсон соғлиғи учун зарарлидир. Олимларнинг таъкидлашича, агар беморнинг организми дорига нисбатан ўта сезгир бўлса, уни қабул қилган сари организмнинг сезувчанлиги ортиб бораверади ва натижада унинг баданида тошмалар тоша бошлайди.

Дори аллергияси ҳозирги кунда тиббиётда жуда катта муаммога айланиб бормоқда. Чунки унинг жуда оғир шакллари кўпайиб бориши кузатилмоқда. Шифокорларнинг маълумотларига кўра, беморларнинг насл-насабида аллергик касалликларга мойиллик бўлса, уларда кўпинча дори аллергияси учрайди.

Дори аллергиясининг клиник кўринишлари жуда кенг бўлиб, у анафилактик шок, эшак еми, зардоб касаллиги, атопик диққинафас, Артюс феномени, қондаги ўзгаришлар, Лайелл синдроми ва бошқа касаллик белгилари сифатида кечиши аниқланган. Булар ичида энг оғири токсик эпидермал некроз ёки Лайелл синдроми ҳисобланиб, у ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Бу касаллик билан оғриган беморларда пенициллин, ристомицин, сульфат, сульфадимезин, сульфадимитоксин, этазол, аспирин, бутадион ва бошқаларга сезгирликнинг ошиб кетганлиги исботланган. Шифокорларнинг кузатишларича, дори аллергик тошмалар бром, йод, хинин, аминазин, пиралидон, анальгин, стрептомицин, норсульфазол каби дориларни қабул қилганда кўпроқ учрар экан. Маз, крем, лосьон ва бошқа терига суртиладиган дорилар ва айрим косметик воситалар қўлланилганда ҳам тошма тошиши мумкин. Кўпинча бундай ҳолат скипидор, илон ёки асалари заҳари қўшиб тайёрланган мазлар, шунингдек, синтомицин эмульсияси суртилганда кузатилади.



Шундайки, аллергиялар ҳатто она сути орқали ва бошқа тўсиқлардан ҳам бемалол ўтиб кетиши қайд қилинган.

### ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

* Дори аллергиясининг олдини олиш учун ҳомиладор аёллар ўзларини жуда эҳтиёт қилишлари керак.

* Эмизикли она бирорта касаллик билан оғриб қолса, дарҳол шифокорга мурожаат қилиши, ўз билганича ёки бировлар маслаҳати билан дори ичмаслиги керак.

* Дори аллергияси билан касалланган беморлар кўпроқ сут, қатиқ, сузма ва сабзавотли овқатлар, парҳез таомлар истеъмол қилишлари лозим.

* Киши аллергиядан соғайиб кетгандан кейин ҳам узоқ вақтгача шифокор назоратида бўлиши шарт. Акс ҳолда кўнгилсиз ҳоллар юзага келиши мумкин.

* Дориларни алькогол ичимликлари билан ва маст ҳолатда ичиш қатъий ман этилади.

*Дори тошмалари узоқроқ туриб қолса, бемор ширин, аччиқ, шўр овқатлар, спиртли ичимликлардан, тамаки, нос чекишдан тийилиш керак. Баданнинг касалланган ерига тузалмагунча сув тегизиш мумкин эмас.

* Касалликни бартараф этиш учун бемор организмидаги дорини иложи борича тезроқ чиқариб ташлаш зарур. Бунинг учун кўпроқ суюқлик ичиш, сурги ёки клизма қилиши лозим.

* Бемор кўтара олмайдиган дорини шифокорга олдиндан айтиб қўйиш касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

* Айрим дориларни суиистеъмол қилиш, уларни назоратсиз қўллаш дори аллергиясига олиб келишини эсда сақланг.

* Агар дори ичганда ёки баданга суртилганда лоҳаслик, тошма тошиши, ачишиши, қичиш, қизариш аломатлари пайдо бўлса, дарҳол шифокорга кўринишни унутманг.

**С.МУҲАММАДИЕВ, доцент**

# УМИДЛИ КУРАШЧИЛАР САРАЛАНДИ

**Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежи спорт мажмуида эркин кураш бўйича 1993-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилди.**

Кичик ёшдаги спортчилар орасидан энг иқтидорли ва истеъдодлиларини танлаб олиш мақсадида ташкил этилган мусобақада 250 нафардан зиёд бола ғолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган бухоролик спортчилар - Муҳаммадсиддиқ Жўраев, Паҳлавон Холиқов, Арслонбек Гадоев, Самарқанддан келган курашчилардан Шоҳруҳ Давурбоев, Жамшид Аҳадов, Шоҳруҳ Ҳасанов, Тошкент вилояти вакиллари Зокир Мансуров, Шукурулла Дадажонов, Обиджон Тошкенбоев, андижонлик Нозим Исломов, хоразмлик Ҳамза Ҳасанов ва Жасур Абдушарипов ҳамда мезбонлардан Бобур Холиқов шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

**(ЎзА)**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.50

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

23456